# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 26 июль, № 145 (6075) Шанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## Р. ИРМАТОВНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 25 июль

## Юксак ғамхўрликнинг амалий ифодаси

*Бразилияда футбол бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Ирматов муносиб иштирок этиб, Ўзбекистон фарзандлари истеъдод ва маҳорат, билим ҳамда заковат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда яна бир карра намойиш қилди.*

ФАХР

Президентимизнинг 2014 йил 25 июлдаги Фармонига мувофиқ, халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Ирматов “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланди.

Кеча пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шуҳрати” музейида халқаро тоифадаги ҳакамни шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Равшан Ирматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти — “Эл-юрт ҳурмати” ордени ҳамда Президентимиз совғаси — “Malibu” автомобили тантанали равишда топширилди.

Ҳар гал мана шундай ажойиб тантаналарнинг гувоҳи бўлганимизда, қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикка яна бир карра шукрона келтирамиз. Дарҳақиқат, тинчлик — энг бебаҳо неъмат. У қарор топган жойда ривожланиш, ўсиш бўлади. Бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари кенг қулоч ёзади.

(Давоми 2-бетда).

## Адолат ҳуштаги

Футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинларида 9 марта ҳакамлик қилиб рекорд ўрнатган Равшан Ирматовга

*Тартиб ва қоида шартдир ҳар ишда,*
*Ким ғирромлик қилар, кимдир шошилар.*
*Дунёнинг ярмини айлаб саришта*
*Ҳакамлик қилганлар Қаффол Шошийлар.*

*Ўзига қаратиб олам элини,*
*Ҳукмини ўтказиб, жойи-жойида,*
*Арабга ўргатган араб тилини*
*Замахшарий бобо тузган қоида!*

*Теран томирларга туташ илдизлар,*
*Номинг элда достон бўлиб юрибди.*
*Футбол қиролиман, деган юлдузлар*
*Битта ҳуштагингга қараб турибди.*

*Истиқлол фарзанди тушса майдонга,*
*ОТА ўғиллиги билиниб тургай.*
*Ҳалоллик бонгини уриб жаҳонга,*
*Адолат ҳуштаги чалиниб тургай!*

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# БУНЁДКОР ЁШЛАР

юртимиз ободлиги ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар

*Юрт равнақига дахлдорлик ҳисси яратувчанлик кайфиятини уйғотиб, шижоат ва ғайратни оширади. Айниқса, ён-атрофимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларни кўрганимиз сари бунёдкорликка бўлган рағбатимиз ортаверади. Аслида, халқимизнинг бебаҳо бойлиги — Мустақиллик инъомларидан бири ҳам шу — мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишдек улуғ мақсад ҳаётимиздан муҳим ўрин эгалламоқда, онгу дунёқарашимизда ҳам, орзу-умидларимизда ҳам бу мақсад ўз ифодасини топган.*

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ШИЖОАТ

Чунончи, бугунги навқирон авлод давлатимиз раҳбари раҳнамолигида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликка жавобан барча жабҳада фаол бўлишга, юксак билим ва салоҳияти билан дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этишга ҳаракат қилаётгани таҳсинга сазовор.

Кези келганда, айтиш жоизки, “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракатларининг ташкил этилишига уларнинг ташаббускорлиги сабаб бўлган эди. Зеро, ушбу ҳаракат Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Самарқанд, Термиз, Наманган давлат университетлари талабалари олий таълим муассасаларида талабалар меҳнат отрядлари фаолиятини ташкил этиш таклифини билдиргач, вужудга келди. Ёшларнинг ташаббуси 2006 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим комплексининг олий таълим муассасаларидаги талабалар меҳнат гуруҳлари фаолиятини ташкил қилишга бағишланган мажлиси баёни билан қўллаб-қувватланди. Унга мувофиқ, талабалар меҳнат отрядлари низоми, ишчи гуруҳлар таркиби, талабалар меҳнат отрядлари фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури шакллантирилиб, меҳнат гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Шу йилдан эътиборан, анъанавий тарзда “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этиб келинмоқда.

Талабаларни йил давомида фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамда маҳаллалардаги вақтинча ишсиз йигит-қизларнинг бандлигини таъминлашга йўналтирилган “Бунёдкор” меҳнат ҳаракатининг ёшлар сиёсатида тутган ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилганда, бунга яна бир бор амин бўламиз.

2008 — 2013 йиллар давомида мазкур ҳаракатга 152 минг 185 нафар йигит-қиз жалб қилинди. Уларнинг 105 минг 364 нафари олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларидаги талаба ва ўқувчи-ёшлар бўлса, қолгани ўқиш ёки иш билан банд бўлмаган йигит-қизлардир.

(Давоми 2-бетда).

Корд Майер-Клодт:

## «Ўзбекистонни кўришга бўлган азалий орзуим ҳақиқатга айланди»

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё бўйича вакили Корд Майер-Клодт билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг “Жаҳон” АА мухбири германиялик дипломат билан суҳбатлашди.*

ДУНЁ НИГОҲИ

— Аввало, ГФР ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари бўйича сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказиш учун бу ерда эканлигимдан мамнуният билдиришни истар эдим, — деди у. — Бу мамлакатингизга амалга оширган биринчи ташрифимдир. Юртингизни кўришга бўлган азалий орзуим бугун ҳақиқатга айланди.

Ўзбекистон Германиянинг Марказий Осиёдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги энг муҳим шериги саналади. Биз икки томонлама муносабатларнинг юқори даражасига эришдик, аммо мамлакатларимиз уларни янада ривожлантириш учун жуда катта салоҳиятга эга. Ташрифимдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам бу борадаги таклифларимни билдиришдир.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Ёш авлод дунёда бугун кечаётган ва келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар жараёнини англаши зарур. Шунинг учун биз немис тилини ўқитиш доирасида ва умуман ушбу йўналишдаги ҳамкорлик бўйича ёрдам кўрсатиш учун барча саъй-ҳаракатни амалга оширишга тайёрмиз. Бугун Ўзбекистонда 400 мингдан зиёд киши немис тилини ўрганади ва мазкур тилда сўзлашиши бизга мамнуният бағишлайди. “Инглиз тилини ҳамма билиши керак, аммо немис тили бирон нарсага эришишни истаганлар учун муҳимдир”, деб бежиз айтишмайди.

Хавфсизлик соҳаси ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. 12 йилдан буён давом этиб келаётган узоқ муддатли ва ишончли ҳамкорлик учун ўзбекистонлик шерикларимизга миннатдорлик билдирамиз. Биз бундай алоқаларни келажакда ҳам давом эттириш ниятидамиз. Икки томонлама муносабатлар доирасида бу жабҳани кенгайтиришимиз зарур, деб ҳисоблаймиз. Барчамиз кўриб турганимиздек, дунё соддалашиб бораётгани йўқ, муаммолар эса камаймаяпти. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўпгина давлатларида инқирозлар кузатилмоқда. Бу нафақат Европа, балки бошқа минтақаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу сабабли Марказий Осиёда ишончли ва синовдан ўтган шерикларга эга бўлиш биз учун муҳим аҳамият касб этади.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон халқини мамлакат мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 23 йиллик байрами муносабати билан қутлар эканман, сизларга тинчлик, бахт-саодат, фаровонлик ва омад тилайман.

**«Жаҳон» АА.**

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

## Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш чоралари кўрилмоқда

**ГУЛИСТОН** шаҳрида бўлиб ўтган Сирдарё вилояти фаоллар йиғилишида жорий йилнинг олти ойида воҳа иқтисодиётида барқарор ўсиш суръати таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,9, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,9, халқ истеъмоллари ҳажми 5, чакана савдо ҳажми 12 фоиз ўсгани алоҳида қайд этилди. Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажми 440 миллиард сўмга етказилиб, 9,7 фоиз ўсди.

Ушбу даврда 450 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди ҳамда фармацевтика, енгил саноат, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кўплаб корхоналар ишга туширилди. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 100 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Йиғилишда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш, бандлик дастурини ижро этишга қаратилган янги лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудуднинг ҳали ўзлаштирилмай келаётган имкониятларидан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Янги лойиҳаларни жорий этиш, зарар билан ишлаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида дуч келинаётган муаммолар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров иштирок этди ва сўзга чиқди.

**ХОРАЗМ** вилоятида ўтказилган фаоллар йиғилишида “Хоразм вилоятини 2013 — 2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури”га мувофиқ, 2014 йилда 1585 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилгани, ҳисобот даврида 439 та лойиҳа ўрнига 821 таси бажарилгани, 108,7 миллион доллар миқдорида инвестиция киритилгани ҳамда 4874 та янги иш ўрни яратилгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## Олий суд Раёсати йиғилиши

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2014 йилнинг биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ва истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда уларга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, республикамизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Буни суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг нуфузини ошириш, судьяларнинг билим ва малакасини кучайтириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мисолида кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).


www.xs.uz
«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг


## ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда ҳар томонлама муҳокама қилинди.

# Юксак ғамхўрликнинг амалий ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Одамлар эзгу ниятларининг рўёбини, фарзандлари камолини кўриб, тақдиридан рози бўлиб яшайди. Байрамлар байрамларга уланади, қувончли дамлар, тўю тантаналар кўпаяди. Биз мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг самаралари мисолида буни яхши биламиз, теран ҳис этамиз.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бир вақтлар миллий тараққиёт йўлимизга шубҳа билан қараб, келажагимизга ишонқирамай муносабатда бўлганлар бугун эришаётган марраларимизга ҳайрат ила боқаётгани ва куч-қудратимиз, салоҳиятимизни тан олаётгани ҳам айни ҳақиқат. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати асосида янгидан-янги зафарларни қўлга киритаётган халқимиз, мана, бу йил энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини катта тантана сифатида нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бугун нафақат шаҳарларимизда, балки энг олис қишлоқларимизда ҳам қурилиш, бунёдкорлик ишлари жадал давом этаётир. Кўплаб замонавий бинолар, меҳмонхоналар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари қад ростлаяпти, боғу хиёбонлар кўркамлаштирилиб, йўллар, кўприклар қурилмоқда. Буларнинг замирида, яна такрор бўлса-да, таъкидлаш жоиз, тинчлик ва барқарорлик ётибди.

Истиқлол барча соҳалар қатори мамлакатимиз спорти учун ҳам юксалиш даври бўлиб, тарих зарварақларидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Хусусан, Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, барча худудларимизда спорт инфратузилмасини шакллантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар, сарфланаётган катта куч ва маблағлар ўз меваларини бераяпти. Айниқса, “кичик Олимпиада” номини олган уч босқичли ноёб тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари янгиданянги номларни кашф этишга хизмат қилаётир. Мана шундай мусобақаларда, спорт майдонларимизда маҳоратини оширган истеъдодли фарзандларимиз бугун турли халқаро беллашувлар, жаҳон ҳамда қитъа чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистонимиз номини янада улуғлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишаяпти. Ҳар гал шоҳсупанинг энг юқори поғоналарини эгаллаган музаффар спортчиларимиз шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилганда ғуруримизга ғурур қўшилмоқда.

Маълумки, “Куч — адолатдадир” деган шиор Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг барча худудларида бирдек амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланган. Халқимиз ҳаётидан чуқур жой олган ана шу бебаҳо қадрият, хусусан, ҳар қандай шароитда ҳам адолат, ҳалоллик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бағрикенглик билан иш тутиш Равшан Ирматов тимсолида бутун дунёга яна бир карра намоён бўлди.

— Бизнинг мана шундай нуфузли мусобақаларда иштирок этаётганимиз мустақиллик шарофати, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор натижасидир, — дейди Равшан Ирматов. — Жаҳон чемпионати давомида давлатимиз раҳбарининг “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз”, деган сўзлари доимо ёдимизда турди. Ҳар бир беллашув олдидан шунга муносиб бўлишга, бор маҳоратимизни намойиш этишга интилдик. Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаган давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик изҳор этаман.

Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионати ўйинлари 170 яқин давлатга трансляция қилинди. Ана шу баҳсларни миллиардлаб мухлислар ойнаи жаҳон орқали, қолаверса, бевосита стадионлардан туриб кузатди. Ҳар гал қайсидир мусобақани бошқариш учун ҳамюртимиз тайинланганида, “Ўзбекистонлик Равшан Ирматов”, дея уни алоҳида таништириб боришди. Нуфузли телеканаллар, нашрлар, интернет сайтлари ҳамюртимиз фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этди. Шу орқали бутун дунё жонажон Ватанимиз тўғрисида, халқимиз ҳақида янада кенгроқ маълумотга эга бўлди.

Бразилиядаги мундиалга жаҳон бўйича жами 25 та ҳакамлар бригадаси жалб қилинган эди. Хусусан, Европадан тўққизта, Жанубий Америкадан бешта, Осиёдан тўртта, Африка ва Шимолий Америкадан учтадан, Океания минтақасидан битта ҳакамлар бригадаси фаолият кўрсатди. Ҳамюртимиз эса МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари вакиллари орасида ушбу чемпионатга таклиф этилган ягона бош ҳакам ҳисобланади. Шунинг ўзиёқ ўзбек ҳакамлик мактабига берилган юксак баҳодир.

Энди айтинг, агар юртимиз мустақил бўлмаганида, Президентимиз томонидан спортга, спортчиларга шунчалар эътибор қаратилмаганида, бундай ютуқлар қўлга киритилармиди?! Тасаввур ҳам қилиб бўлмасди! Бир пайтлар бизга менсимай, паст назар билан қараганлар энди “Ўзбекистон ҳакамлар мактабидан ўрганиш керак”, деб тан олмоқда, эътироф этишга мажбур бўлмоқда. Демак, ҳақиқат, адолат қарор топаётир.

Халқаро фаолиятини 2003 йилда бошлаган, ҳадемай, 37 ёшини қаршилайдиган Р. Ирматовнинг бугунгача эришган ютуқларига кўпчилик ҳавас билан қарайди. У 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари финали, 2010 йилги мундиаль, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йилда XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг футбол баҳслари, 2013 йилда эса Бразилияда ташкил этилган конфедерациялар кубоги беллашувларини бошқарган.

Ирматов тўрт бор “Осиёнинг энг яхши ҳаками” деб топилган. Шунингдек, у 2011 йилда Халқаро футбол уюшмалари федерацияси томонидан “Жаҳоннинг энг яхши ҳаками” дея эътироф этилган. Ҳамюртимиз 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингида юқори поғоналардан бирини эгаллаган.

Бундан тўрт йил муқаддам Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон биринчилигида Равшан Ирматов бешта учрашувни бошқариб, футбол тарихига кирган эди. Бу галги нуфузли мусобақада Швейцария — Эквадор, Мексика — Хорватия, АҚШ — Германия, Голландия — Коста-Рика ўйинларини бошқарди ва шу орқали мундиалларда жами тўққизта учрашувда бош ҳакам бўлиб майдонга тушган ягона рефери сифатида жаҳон рекордини ўрнатди. Бундан аввалги рекорд (8 та ўйин) бир йўла уч нафар рефери — Жоэль Кинью (Франция), Бенито Арчундия (Мексика) ва Хорхе Ларрионда (Уругвай)га тегишли эди.

Тадбирда ўзбек ҳакамининг бундай юксак муваффақияти мамлакатимиз мустақиллиги ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самараси экани алоҳида таъкидланди.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек футболи катта ютуқларга эришди. Ўтган йиллар давомида ёш футболчиларимиз Мексика, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эрон каби давлатларда ўтказилган жаҳон ва Осиё чемпионатларида муносиб қатнашди, Ўзбекистон футбол федерацияси ФИФАнинг “Fair Play” (ҳалол ўйин) соврини билан тақдирланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдужаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуруддинов ва бошқалар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган улкан эътибори учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Куч-ғайратли бу ёшларнинг бир қисми мамлакатимизнинг турли ҳудудларида касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, маданий ва спорт мажмуалари, замонавий уй-жойлар қурилишида, амалга оширилаётган таъмирлаш ишларида бунёдкорлик салоҳиятини кўрсатган бўлса, яна бир қисми ёзги оромгоҳларда тарбиячилик қилди, туманлардаги давлат идоралари ва ташкилотлари ходимларига компьютердан фойдаланиш бўйича курслар ташкил этиб, замонавий интерактив хизматларга доир билим ва тажрибаси билан ўртоқлашди, яна бир қисми маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида, сайёҳлик, савдо ва бошқа тармоқларда меҳнат фаолиятини олиб борди, фермер хўжаликларига пахта парваришида, йиғим-терим ишларида кўмаклашди.

Бу эзгу анъана жорий йилда янада кенг кўламда ва янгича мазмунда давом этмоқда. Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаётир. Хусусан, вақтинча ишсиз йигит-қизларнинг ўз оиласига нафи тегиб, жамиятда ўрнини топишида мазкур меҳнат ҳаракатининг аҳамияти тобора ошмоқда. Жорий йилда Наманган вилоятида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида “Баркамол авлод” республика спорт мусобақаларининг ўтказилиши муносабати билан олиб борилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидан жами 200 нафарга яқин ёшлар “Бунёдкор” меҳнат ҳаракати таркибида фаоллик кўрсатгани бунинг далилидир. Улар Наманган шаҳридаги “Баркамол авлод” спорт мусобақалари учун мўлжалланган еттита қурилиш объектида меҳнат қилди ва меҳнатига яраша муносиб рағбатлантирилди. Айни пайтда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий кенгашларига мурожаат этган, доимий иш жойига эга бўлмаган 14 мингга яқин ёшлар ва олий ўқув юртларининг 9260 нафар талабаси бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Жумладан, Хоразм вилоятининг Боғот туманида қурилаётган 14-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида 50 нафар, Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги 25-сонли умумтаълим мактабининг капитал таъмирлаш ишларида 28 нафар, Сирдарё вилоятининг

Максад ХАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# БУНЁДКОР ЁШЛАР

## юртимиз ободлиги ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар

Гулистон тумани “Зарбдор” массивидаги намунавий уй-жойлар қурилишида 120 нафар йигит-қиз фаолият юритмоқда. Шунингдек, республикамиз олий таълим муассасалари талабаларини шу йилнинг июль ойидан бошлаб “Бунёдкор” меҳнат гуруҳларига жалб этиш, бу орқали уларнинг ёзги таътилни мазмунли ва самарали ўтказишига кўмаклашиш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Энг муҳими, “бунёдкор”чилар мавсум давомида фақат жисмоний машғулотлар билан чегараланиб қолмасликлари учун маънавий-маърифий тадбирлар ҳам юқори савияда ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Меҳнат ҳаракатида иштирок этаётган ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада кучайтириш, уларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш мақсадида “Дин ва ёшлар”, “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Ғоявий таҳдид нима?”, “Замонамиз қаҳрамонлари”, “Огоҳлик — давр талаби”, “Бунёдкор ёшлар — ёш мусаввирлар нигоҳида”, “Ҳалол меҳнат шуҳратимни оширди” деб номланган давра суҳбатлари, маданий-маърифий учрашувлар, “Энг яхши меҳнат гуруҳи”, “Меҳнат гуруҳининг энг фаол аъзоси” каби танловлар, “Камолот”да менинг ўрним”, “Биз “Камолот” билан” сингари викториналар ўтказилади. Зеро, ушбу саъй-ҳаракатларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад, шижоатли ёшларимизнинг меҳнатга лаёқатини рағбатлантириш, уларнинг замонавий билимларини ошириш ва маънавий дунёқарашини кенгайтиришдир.

Шуни таъкидлашни истардикки, “Бунёдкор” меҳнат гуруҳларига ёшлар кўнгилли тарзда аъзо бўладилар. Бунинг учун аввал улар тегишли тартибда тиббий кўрикдан ўтиб, режалаштирилган меҳнат тури бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлишади. Меҳнат тури ва шарт-шароитдан келиб чиқиб махсус кийим-бош, бажараётган иш ҳажми ва кўламига қараб маош, шунингдек, тураржой, тиббий хизмат ва иссиқ овқат билан таъминланади. Меҳнат объектини танлашда хавфсизлик даражаси, талабалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатмаслиги, кўп жисмоний куч талаб этмаслиги каби жиҳатлар ҳам назардан четда қолмайди. “Бунёдкор” меҳнат гуруҳлари аъзолари ўртасида таниқли спортчи ва Давлат мукофотига сазовор бўлган истеъдодли ёшлар билан давра суҳбатлари, миллий қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузига, ватанпарварликка бағишланган маданий-маърифий, шунингдек, спорт-соғломлаштириш тадбирларининг мунтазамлигига эришиш ҳам диққат-эътиборимизда.

Сўзимиз бошида бугун барчамизни маёқ мисоли яратувчанликка, эзгуликка ундаётган қалбимиздаги улуғ мақсад ҳақида гапирдик. Айнан шу мақсадни кўзлаган ёшларимиз шу кунларда юртимизнинг турли гўшаларида бунёдкорлар сафида елкама-елка туриб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг чирой очишида камарбаста бўлмоқда, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг турли йўналишларида меҳнат қилмоқда. Уларнинг қатъияти ва азму шижоатига ҳавас қилсак, арзийди.

**Феруза МУҲАММАДЖОНОВА,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.**

АНЖУМАН

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасининг жорий йил олти ойлик фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия вазирлиги, Марказий банк, Банклар ассоциацияси вакиллари, “Axbor-Reyting” агентлиги, “SAIPRO” компанияси мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

# Сифатли ва замонавий хизмат

## лизинг берувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланганидан далолатдир

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қатори лизинг бозори ҳам жадал ривожланмоқда. Айни пайтда соҳа компаниялари иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқларини қамраб олиб, улар томонидан қишлоқ хўжалиги, автотранспорт, енгил саноат, тиббиёт, озиқ-овқат сингари соҳаларда ўз хизматларини кенг таклиф этмоқда. Пировардида бугунги кунга келиб, ҳар бир фуқаро лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида республикамиздаги мавжуд лизинг берувчилар томонидан жами 371 миллиард сўмлик 2900 га яқин лизинг хизматлари кўрсатилгани, лизинг амалиётларининг умумий портфели эса 1 триллион 980 миллиард сўмни ташкил этиб, ушбу йўналишда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 29 фоиз ўсишга эришилгани бунинг яққол тасдиғидир. Бу борадаги ишларни ривожлантиришда эса Президентимизнинг 2012 йил 10 майдаги “2012 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Анжуманда мутахассислар республикамиз лизинг бозорида кузатилаётган ўзгаришлар хусусида сўз юритиб, давлатимиз раҳбарининг ушбу қароридан келиб чиққан ҳолда, келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ҳам фикр алмашдилар.

Шу билан бирга, лизинг бозорини ривожлантиришда “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти, кредит алмашинуви, лизинг компанияларининг рейтинг даражасини оширишга доир мавзуларда маърузалар қилинди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш чоралари кўрилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вилоятнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига кўра, биринчи ярим йилликда 24,4 миллион АҚШ долларилик 34 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, амалда 38 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Шундан 15 таси муддатидан олдин ишга туширилди ва натижада 1 минг 717 та янги иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг “Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ҳисобот даврида 160 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 7,4 миллион долларни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 2,4 баробар ўсишга эришилди. Соҳаларнинг барқарор суръатлар билан фаолият юритиши натижасида 30,7 мингта янги иш жойлари яратилиб, прогноз кўрсаткичи 103,3 фоизга бажарилди.

Тадбирда ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**БУХОРО** вилояти фаоллари йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 108, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 106,9, чакана савдо айланмаси 113,2, пуллик хизматлар кўрсатиш 112,5, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 108,1 фоизга бажарилгани алоҳида айтиб ўтилди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида саноат соҳасида янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига умумий қиймати 59,3 миллиард сўмга тенг 110 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 8 та лойиҳа ҳисобига эса 58,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Вилоят бўйича жами 120,6 миллион доллар, шу жумладан, ҳудудий корхоналар томонидан 20,1 миллион доллар миқдорида 32 турдаги маҳсулот ва хизматлар 14 та давлатга экспорт қилинган.

Айрим соҳаларда прогноз кўрсаткичлари бажарилмаганлиги ҳамда ўсиш суръати олдинги йилдагига нисбатан пасайгани мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганлигидан далолат бермоқда.

Вилоятда коммунал ва йўл тармоқлари, инфратузилма объектлари қурилиши, янги иш ўринлари яратиш, коллежлар битирувчилари бандлигини таъминлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, банк-молия тизими, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ тўловларидан қарздорлик ҳамда бошқа соҳалар фаолиятидаги камчиликлар ҳам таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари F. Ибрагимов қатнашди ва сўзга чиқди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Олий суд Раёсати йиғилиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда қабул қилинган фармонлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, шу ҳужжатлар асосида судьялар ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг малакасини ошириш ва судлар моддий-техник базасини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан эса қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 туманлараро (туман) судлари тузилиб, судларнинг янгиланган тузилмаси (юрисдикция ҳудуди) тасдиқланди. Уларни кадрлар билан таъминлаш ҳамда иш ҳажми кўп бўлган амалдаги туманлараро (туман) судларнинг таркибини кўпайтириш учун судьялар сони 71 нафарга кўпайтирилди.

Фармонга мувофиқ, Олий суд тузилмасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилганлигини ҳам айтиш зарур. Ушбу тузилма судьялар мустақиллиги ҳамда судларнинг ижро интизоми билан боғлиқ ишларини тизимли назорат қилмоқда.

Раёсат йиғилишида суд-ҳуқуқ тизимига замонавий АКТни кенг татбиқ этиш борасидаги ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, махсус дастур асосида судларда компьютерлаштириш даражаси ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судлар ахборот тизими ҳамда ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол хизматлар кўламини кенгайтириш, ривожланган давлатларда кенг қўлланиб келинаётган электрон суд иш юритуви тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Олий суд томонидан “E-SUD” миллий электрон судлов ахборот тизими ишлаб чиқилди ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда. Айтиш лозимки, жорий йил биринчи ярмида шу тизим орқали 14 мингга яқин суд буйруғи бериш тўғрисида аризалар электрон шаклда келиб тушган ва судда шу тарзда кўриб чиқилган. Айни чоғда “E-SUD” электрон судлов ахборот тизимининг даъво ва шикоят тартибида иш кўришга мўлжалланган қисмлари синовдан ўтказилиш арафасида. Йил якунигача бу тизимнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни қайта кўришга мўлжалланган қисмларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Тадбирда судлар томонидан одил судловни амалга ошириш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Ҳисобот даврида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 106 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилган. Шунингдек, 470 мингдан зиёд суд буйруғи чиқарилган. Суд буйруғи чиқарилган аризалар бўйича 426 миллиард сўмдан зиёд маблағни ундириш белгиланган. Айни чоғда 92 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган 1300 нафардан зиёд шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. Ярашув институти самарали қўлланиши натижасида эса 5200 нафардан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Шунингдек, ҳисобот даврида Олий суд томонидан умумий юрисдикция судларини қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси амалиётга самарали татбиқ этилаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган айрим камчиликлар ва суднинг обрўсига путур етказадиган қонунбузилиш ҳолатлари таҳлил қилиниб, судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ҳамда малакасини янада ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Тошкент: Банк тизимининг такомиллашуви барқарор ва ишончли фаолият юритишда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизда банкларнинг умумий капитали 6,6 трлн. сўмдан ошди.

# 2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳаётда янада фаоллашувини таъминлаш ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, ишбилармонлик кўникмаларига эга аёлларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этган ҳолда, уларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва Европа Иттифоқининг "Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар" деб номланган қўшма лойиҳаси ҳам айни шу мақсадга йўналтирилган.*

## Маҳаллада «Ахборот ойна»си

**Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги аёлларга кўмаклашади**

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасидаги мазкур лойиҳада аёлларнинг, шунингдек, ёшларнинг муқим даромад манбаига эга бўлиши, ўз бизнес режасини рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама кўмаклашиш, бу борада тегишли ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг масъулиятини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирларга алоҳида урғу берилган. Лойиҳага кўра, пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Кўкча-Оқтепа, Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Зебунисо, Чирчиқ шаҳридаги Гулзор ҳамда Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги Фурқат номли ва Истиқбол маҳаллаларида "Ахборот ойна"си иш бошлади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, жорий йилнинг февраль — май ойларида пойтахтимизда халқаро экспертлар ва етакчи мутахассислар иштирокида "Нодавлат нотижорат ташкилотларини самарали бошқариш", "Инсон ресурсларини бошқариш, ижтимоий маркетинг ва маблағларни жалб қилиш", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш", "Ижтимоий тадбиркорлик ва ижтимоий шериклик" мавзуларида семинар-тренинглар ташкил этилган эди. Мазкур ўқув машғулотларида билим ва малака оширган мутахассислар эндиликда жойларда очилаётган "Ахборот ойна"ларида фаолият олиб борадилар.

— Хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имконият ҳамда имтиёзлардан тўлиқ хабардор қилиш, уларга бизнес режа тайёрлаш, тегишли ташкилий, молиявий ва солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар бериш ҳамда давлат ташкилотлари билан боғланишда кўмаклашиш, тадбиркорлик ва микрокредитлаш бўйича ўқув машғулотларини, давра суҳбатларини ташкил этиш "Ахборот ойна"ларининг асосий вазифаси ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ННТ фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари Дилбар Алимжанова. — "Ахборот ойна"ларида бир йил давомида 500 нафардан зиёд ишсиз аёллар ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этиш кўзда тутилмоқда. Улардан камида 120 нафарига бизнес лойиҳа ишлаб чиқишда, кам фоизли микрокредитлар олишда ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашида амалий ёрдам кўрсатилади. Ушбу жараённи амалга ошириш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Микрокредитбанк" ОАТБ ўртасида ҳамкорлик меморандуми ва тегишли шартнома имзоланган.

Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда пойтахтимиз маҳаллаларидаги "Ахборот ойна"ларининг очилиш маросимларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Фарида МАҲКАМОВА.**

# Экспортчи корхоналарга қулайлик

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш мамлакатимизда татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Натижада ушбу соҳа жадал ривожланиб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишида муҳим роль ўйнамоқда.*

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тадбиркорлик ҳаракати истиқболида янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Гап шундаки, мазкур ҳужжатга асосан ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тадбиркорларга ташқи бозорга чиқишда яқиндан ёрдам бермоқда. Хусусан, унинг Сурхондарё вилояти филиали томонидан кичик бизнес вакилларига экспорт шартномаларини тузиш, чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун молиявий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилаяпти. Тадбиркорлар томонидан янги турдаги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилишида эса жамғарма томонидан Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, хорижий давлатлар бозори ўрганилаётгани муҳим омил бўлаётир.

Жамғарма филиалининг ҳуқуқий ва консультатив кўмагида 7 нафар кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъекти 19,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномалари тузишга муваффақ бўлди. Натижада шу йилнинг олти ойи давомида 13,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар МДҲ мамлакатларига экспорт қилинди.

Фермер хўжаликларига яратиб берилаётган қулай шарт-шароит туфайли улар томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам йил сайин ошмоқда. Бу эса ички эҳтиёжни таъминлаш баробарида, экспорт имкониятларини кенгайтираётир. Жумладан, жорий йилда ҳам қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил кўтарилмоқда. Шулар инобатга олинган ҳолда, июль — ноябрь ойларида 500 минг АҚШ долларилик мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.

Филиал томонидан вилоятдаги экспорт салоҳиятига эга корхоналарнинг хом ашё базасини шакллантириш ва уларнинг маҳсулотларини чет эллик харидорларга етказиб бериш мақсадида жорий йилда 1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли фоизсиз маблағлар ажратилиши белгиланган. Бу экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экспорт кўрсаткичини барқарор ошириш имконини бериши, шубҳасиз.

**Эрали НОРБЕКОВ.**


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

# Qishloq Qurilish Bank

**Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:**

**Миллий валютада:**

| | |
|---|---|
| **«Янгилик»** | Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади. |
| **«Баракали мавсум»** | Омонатга маблағлар 2 — 6 ойга қабул қилинади. |
| **«Фойда»** | Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади. |
| **«Файзли»** | Омонатга маблағлар 4 — 6 ойга қабул қилинади. |
| **«Даромадли»** | Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади. |
| **«Яхши ният»** | Омонатга маблағлар 12 — 24 ойга қабул қилинади. |

*Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.*

| | |
|---|---|
| **«Талаба»** | Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади. |

**Хорижий валютада:**

| | |
|---|---|
| **«Финанс»** | Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. |
| **«Капитал»** | Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади. |
| **«Фортуна»** | Омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. |

**Аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш жараёнида улар бўйича тўланадиган коммунал тўловларини тўлашда қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги янги махсус юқори фоизли омонат турлари жорий қилинган:**

| | |
|---|---|
| **«Қулай тўлов»** | Омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади. |
| **«Тежамкор»** | Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади. |
| **«Коммунал»** | Омонатга маблағлар 24 ойга қабул қилинади. |

*Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.*

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

| | |
|---|---|
| **«Мадад»** | Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади. |
| **«Хонадон»** | Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади. |

**«Қурилишга бошланғич бадал»** — муддати 1 йил.

**Батафсил маълумот билан «Қишлоқ қурилиш банк»нинг расмий веб-сайтида танишиш мумкин.**

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**
- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-76-53, 150-39-93. www.qqb.uz**

*«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!*

Хизматлар лицензияланган.

1045R/421



**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖ Қашқадарё филиалида 2014 йил 15 август куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган ҳолда такроран қўйилмоқда:

**1.** Қарши шаҳри, Қизил мачит кўчасида жойлашган бир қаватли маъмурий бино ва омборхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 285 292 886 сўм.***

**2.** Қарши шаҳри, Ғузор кўчасида жойлашган савдо базаси.

***Бошланғич баҳоси — 2 379 602 997 сўм.***

**3.** Қарши шаҳри, Шибаев кўчаси (Мадина) мебель цехида жойлашган «Гунгон» савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 552 466 881 сўм.***

Талабгорлар юқоридаги кўчмас мулклар билан Қарши шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин, яъни 2014 йил 13 август куни соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Қарши шаҳри, Ғузор кўчаси, 4-уй. Телефон: (8-375) 227-20-28.**

Хизматлар лицензияланган.

1124R/90



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Андижон вилояти филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Андижон туманлараро судининг 2013 йил 22 октябрдаги 1-2901-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Пирмуҳаммедов кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 1836,94 кв.м. бўлган 17 хонали 1 қаватли маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 270 638 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 2 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар ОАТ «Савдогар» банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105-хона. Телефон: (8-374) 228-47-62. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1131A/1453


**ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА**

*Жорий йилнинг иккинчи чорагида Испанияда ишсизлик даражаси 25 фоиздан пасайди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

## Меҳнат бозоридаги вазият

Бу даврда мамлакатда 400 минг кишининг бандлиги таъминланган. Экспертлар ушбу ижобий натижани сайёҳлик мавсумининг бошлангани билан боғлашмоқда. Негаки, ҳозир Испанияга чет давлатлардан дам олишга келувчилар кўпайган. Табиийки, бундай вазиятда янги иш жойларига эҳтиёж ортади.

Испания ҳукумати эса бунга сал бошқачароқ муносабат билдирди. Унга кўра, ҳозир мамлакат меҳнат бозори мураккаб вазиятдан аста-секинлик билан чиқаётган экан.

Жаҳон молиявий инқирози бошланишигача Испаниядаги умумий ишсизлик саккиз фоизга тенг эди. Қарийб олти йилдан бери давом этаётган оғир иқтисодий таназзул туфайли ўтган йилга келиб, бу кўрсаткич 27 фоизга етди.

## Хакерлар ҳужуми

*Европа Марказий банкининг интернетдаги расмий сайтига номаълум хакерлар гуруҳи томонидан ҳужум уюштирилди.*

Натижада кибержиноятчилар молия муассасасининг 20 мингга яқин мижозига тегишли маълумотларни қўлга киритишган. Кейин эса улар банкка катта миқдордаги маблағ эвазига ҳужжатларни қайтариб беришлари ҳақида хат юборишган.

Ҳозирча ушбу ҳужум қаердан амалга оширилгани аниқ эмас. Шунингдек, молия муассасаси хакерлар талабига қандай жавоб бергани ҳақида ҳам маълумотлар йўқ.

Мазкур жиноят изини топиш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус мутахассислар жалб этилган.

## Тугалланмаган парвоз

*Буркина-Фасо ва Жазоир йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган "MacDonnell Douglas MD-83" русумли йўловчи самолёти Мали давлати шимолида қулаб тушди. Оқибатда унинг бортида бўлган 110 нафар йўловчи ва олти нафар экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмган.*

Лайнер ҳавога кўтарилганидан 50 дақиқа ўтиб, у билан алоқа узилган. Кейинчалик унинг ҳалокатга учрагани маълум бўлган. Ҳозирча фалокат сабабларига ойдинлик киритилмади.

Ушбу самолёт аслида Испаниянинг "Swiftair" авиакомпаниясига тегишли бўлиб, ундан "Air Algerie" ижара асосида фойдаланаётган эди.

## Ўйнамасдан фойда келтираяпти

*Мадриднинг "Реал" футбол клуби ўз сафига колумбиялик ҳужумчи Хамес Родригесни қўшиб олганидан сўнг катта миқдорда даромад кўра бошлади.*




Гап шундаки, мазкур спортчининг исми тушириллган футбол либослари сотувга чиқарилган биринчи куннинг ўзида 2,5 миллион евродан зиёд маблағ келтирган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, "Реал" Хамес Родригесни 80 миллион еврога Франциянинг "Монако" клубидан сотиб олди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**

**«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 19 июнь 118 (6049)-сонида «ДМБАТ» дастурий таъминотини сотиб олиш бўйича эълон қилинган тендер муддати 2014 йил 15 август куни соат 15.00 га қадар узайтирилганлигини маълум қилади.**

1130A/606



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

02




Жаҳон 24 соат ичида: Келаси йили Қуёш тизимида энг узоқ масофада жойлашган Плутон митти сайёрасининг илк суратларини кўришимиз мумкин.

# Латвия манзаралари кўргазмаси

*Тошкент фотосуратлар уйида латвиялик таниқли рассом Валдис Бушс асарларининг кўргазмаси очилди.*

*Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент фотосуратлар уйи ва Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда жамоатчилик вакиллари, рассомлар, санъатшунослар ҳамда тасвирий санъат ихлосмандлари қатнашди.*

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эдгарс Бондарс ва бошқалар давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорлик янада ривожланиб бораётгани, бугунги кўргазма ҳам ўзаро маданий алоқалар мустаҳкамланишида яна бир муҳим қадам бўлишини таъкидлашди.

Валдис Бушс Латвиянинг таниқли санъат намояндаларидан бири бўлиб, ўзига хос услуб ва жанрларда яратган асарлари билан дунёнинг 20 дан ошиқ мамлакатларидаги кўргазмаларда иштирок этган.

Мазкур кўргазмада рассомнинг манзара жанридаги асарлари намойиш қилинмоқда. Юртимиз тасвирий санъат ихлосмандлари бу асарлар орқали латвиялик рассомнинг ижодга янгича ёндашуви, ўзига хос услуби, ёрқин рангдаги мойбўёқлар воситасида ёруғлик яратиш ҳамда кайфиятни ўзгартириш техникасига гувоҳ бўладилар. “Баҳор келмоқда”, “Ер кучи”, “Дарахтлар”, “Кўз”, “Балиқ ови” каби асарларида нафақат Латвиянинг хушманзара табиати, балки рассомнинг ўз Ватанига муҳаббати акс этган.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Ўзбекистон Республикасининг Японияда элчихонасида “Соғлом бола йили” Давлат дастурига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.*

*Тадбирда Японияниг вазирлик ва идоралари, сиёсий, ишбилармон, илмий-академик, жамоатчилик доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлди.*

# Токиода бўлиб ўтган тадбир «Соғлом бола йили» Давлат дастурига бағишланди

Брифинг қатнашчилари республикамизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан кўрилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар билан атрофлича танишдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2014 йилнинг Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, унга мувофиқ қабул қилинган Давлат дастуридан кўзланган мақсад ва вазифалар, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳаларини такомиллаштиришга доир маълумотлар ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида ҳаётга татбиқ этилган “Соғлом она — соғлом бола” умуммиллий дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурларига ва улар доирасида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари тармоқлари, умумтаълим мактабларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши натижасида эришилган ютуқларга алоҳида урғу берилди.

Қайд этилганидек, “Соғлом бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга 4,5 миллиард сўм ва 302,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ йўналтирилади. Мамлакатда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ажратилган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини, ижтимоий соҳа харажатлари эса давлат бюджетининг 60 фоиздан зиёдини ташкил қилади.

Юқоридагилардан ташқари, брифинг доирасида Ўзбекистоннинг минтақада гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш борасидаги сиёсати ва бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, гиёҳвандлик дунёда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Қатор халқаро конвенцияларнинг иштирокчиси сифатида Ўзбекистон наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириш баробарида, Марказий Осиёда наркотик моддаларга оид вазиятни барқарорлаштириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Брифинг чоғида Осиё, Европа ва Америка мамлакатлари билан икки томонлама ҳамда МДҲ, ШҲТ ва Марказий Осиё наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази (CARICC) доирасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани алоҳида таъкидланди.

Тақдим этилган ахборотлар, хусусан, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши суръатлари ҳамда юртимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги маълумотлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Брифинг интиҳосида тадбирнинг айрим иштирокчилари “Жаҳон” ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбатда бўлдилар.

Жумладан, **Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) Марказий Осиё ва Кавказ бўлими бошлиғи Тецуя Ямада** аҳоли фаровонлиги ҳамда ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши учун соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида зарур шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистон ҳукумати сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланганини япон томони юқори баҳолашини айтди.

— Нафақат бизнинг ташкилотимиз, балки бошқа япон агентликларининг вакиллари томонидан ҳам “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгилаб қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишига катта эътибор қаратилмоқда, — деди у. — Биз Ўзбекистон билан фаол алоқаларни, шу жумладан, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳаларида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз. Мазкур тадбир якунлари бўйича Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) бу йўналишдаги янги лойиҳаларни кўриб чиқади.

**Жунтендо университети профессори Момоки Чиба** Японияниг Ўзбекистон билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган ва ўзаро муносабат ўрнатиш истагида бўлган ташкилотлар вакиллари иштирокидаги мазкур брифинг Ўзбекистон билан янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этажагини айтди.

— Мамлакатингизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган самарали ижтимоий сиёсат олиб борилаётгани қувонарли ҳолдир, — деди у. — Ўзбекистон ҳукуматининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари жисмонан ва интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш учун муҳим ва сифатли шарт-шароитларни яратди.

**Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институтининг ижрочи директори Тецужи Танака** Ўзбекистонда ҳар йил муайян ижтимоий соҳага йўналтирилиши яхши анъанага айланиб қолганини қайд этди. Унинг эътироф этишича, 2014 йилнинг Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ҳам мамлакатда мувaффақиятли ижтимоий сиёсат ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолат беради.

— Шу йил 13 — 14 май кунлари Урганч шаҳрида ташкил этилган “Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли” мавзуидаги халқаро давра суҳбатида иштирок этиш учун Ўзбекистонга бордим, — деди у. — Юртингиз бўйлаб сафарим чоғида Хоразм вилоятида таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдим. Хивадаги мактаб ва коллежларда ўз кучига ишонадиган, интеллектуал ривожланган болаларни кўрдим. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бундан-да ривожланишига ишонаман.

— Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган истиқболли, ёш мамлакатдир, — дейди Японияниг **“Sunday Sekkai Nippo” газетаси мухбири Сусуми Фужихаши**. — Жорий йилнинг апрель ойида япон делегацияси таркибида мамлакатингизга борган чоғимда иқтидорли ва қувноқ ёшлар билан мулоқотда бўлдим.

Ёш авлодни тарбиялашга давлат томонидан қаратилаётган катта эътибор болаларнинг ёниб турган кўзлари, табассумида яққол акс этмоқда ва бу менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон бўйлаб сафарим ҳақидаги материални ҳар ойда чоп этиладиган “Viewpoint — Sekai Nippo” нашри учун тайёрлашим жараёнида ўзим олган кўпгина суратлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдим.

**«Жаҳон» АА.**
Токио


● ЭЪЛОНЛАР ●

**«Samarqand mulk markazi» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Чўпонота масканида жойлашган, «СУ-855» МЧЖга тегишли асфальт-бетон заводининг асбоб-ускуналари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 232 997 657 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 29 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 27 август куни соат 18.00.

Мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Samarqand mulk markazi» МЧЖ АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчаси, 58-уй. Телефон: (8-366) 233-80-13. www.rmm.uz**

Гувоҳнома 05496.

1132/609


МЕРОС

*Сурхон воҳасининг тарихи азалдан дунёнинг нуфузли илмий ва маданий-маърифий доиралари эътиборини ўзига тортиб келади. Боиси воҳада юздан зиёд қадимий ёдгорликлар мавжуд. Биргина Термиз шаҳрининг ўзида дунёвий ва диний соҳаларда маълуму машҳур 90 нафарга яқин Термизийлар яшаб ўтишгани ҳақида маълумотлар бор. Аждодлардан қолган манбалар эса бугун нафақат бизнинг, балки жаҳон халқларининг маънавий мулкига айланиб улгурган.*

# Ёдгорликлар — маънавий бойлигимиз

Мозийдан сўзлаётган ушбу муқаддас замин Буюк Британия, Германия, Италия, Франция ва Хитой Халқ Республикасининг нуфузли университетлари, олий мактаблари, Парижнинг Лувр, Осиё санъати, Санкт-Петербургдаги давлат эрмитажи, Токио ва Москвадаги Шарқ музейлари мутахассислари эътиборини ҳам ўзига қаратган.

Хусусан, мамлакатимиз ҳудудида биргина Франция университетлари, музейлари билан ҳамкорликда бешта халқаро — Ўзбекистон — Франция гуруҳларининг археологик тадқиқотлар олиб бораётганлиги она-юртимиз тарихига дунёда қизиқишнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Ўзбек — француз Бақтрия археологик экспедицияси, мана, йигирма йилдирки, Сурхон заминида кенг кўламдаги қазишма ишларини олиб бораяпти.

Таъкидлаш керакки, халқаро гуруҳнинг асосий тадқиқот иншооти эски Термиз ёдгорлиги бўлса-да, экспедиция аъзолари Холчаён ёдгорликларининг таркибий қисми бўлган Қорабоғтепа, қуйи Сурхон воҳаси маркази Ҳайитобод, Бойсунтоғ жанубий ёнбағрида жойлашган Поёнқўрғон (Туманқўрғон) каби ёдгорликларда ҳам археологик изланишлар олиб боришди. Шунингдек, эски Термизнинг қалъа қисмида ва ундаги мудофаа истеҳкомларида, Катта ва Кичик Чингизтепада, ички шаҳар (шаҳристон)да, Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг шимолий ва шарқий томонларида жойлашган ғорсимон иншоотларда ҳам тадқиқотлар амалга оширилаяпти. Қазишма ишлари жараёнида топилган санъат намуналари, тангалар, қадимги давр хат намуналари, ҳунармандчилик буюмлари Термиз шаҳрининг турли тарихий даврлардаги кечмиши ва тараққиёт босқичларини ойдинлаштириш билан бир қаторда, шаҳарнинг 2500 йиллик ёшини асослашда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, иқтиқлол йилларида мамлакатимиз тарихини ўрганишга эътибор кучайди. Биргина ўзбек — француз Бақтрия археологик экспедицияси аъзолари юртимиз ўтмишига оид кўплаб осориатиқаларни топиб, халқимиз нақадар шонли тарихий йўлни босиб ўтганлигини исботлаб беришди. Бу борада қатор китоблар, рисола ва илмий мақолалар чоп этилди. Хусусан, Пьер Лерицнинг саъй-ҳаракати билан ўзбекистонлик, франциялик ва бошқа давлатлар археологлари, тарихчи-тилшунос, санъатшунос олимлар иштирокида, асосан, Сурхон воҳаси археологияси ҳамда у ердаги ёдгорликларга бағишланган мақолаларнинг француз тилида чиқадиган “Археология хабарлари”нинг икки сонида чоп этилгани муҳим воқеалардан бири бўлди.

Айтиш мумкинки, ўтган давр мобайнида ўзбек — француз Бақтрия гуруҳи фаолияти самарали кечди. Француз тилида “Қадимги Термиз” китоби, АҚШ, Буюк Британиянинг нуфузли нашрларида қадимги Термиз ҳақидаги мақолаларнинг чоп этилиши дунё аҳлининг диёримизга бўлган қизиқишини оширди.

Бу йил ўзбек — француз Бақтрия гуруҳининг юртимизда археологик тадқиқот ишларини бошлаганига йигирма бир йил тўлади. Шу муносабат билан жорий йилнинг 16 — 17 сентябрь кунлари Ўзбекистон ва Франциянинг қатор илмий муассасалари ҳамда университетлари ҳамкорлигида Термиз археология музейида “Бақтрия — Тоҳаристон археологияси ва тарихига оид янги тадқиқотлар” мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилади. Сурхон воҳасида мазкур анжуманнинг ташкил этилиши халқимизнинг бой ва ранг-баранг меросини ўрганиш, асраш, тарғиб қилиш ҳамда ёш археолог-тарихчи мутахассислар тайёрлашда ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

**Тўхташ АННАЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Гуломов номидаги республика археология институти катта илмий ходими, ўзбек — француз Бақтрия экспедицияси директори.**

ТЕАТР

*Каттақўрғон шаҳрида фаолият кўрсатаётган А. Мажидий номидаги давлат драма театри жамоаси “Адолат ёхуд одамлар орасида” асарини саҳналаштирди.*

# Янги асар саҳналаштирилди

Ёш режиссёр Ғафур Мардонов томонидан саҳнага олиб чиқилган мазкур асарда умр мазмуни ҳамда инсоннинг ўзига хос қувончу ташвишлари турли мураккаб ва қизиқарли воқеалар орқали очиб берилган.

Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулбаҳор Мамедова, Даврон Қодиров, иқтидорли артистлар Дилором Эгамова, Бекпўлат Рустамов, Динара Тўйчиева, Гулнора Ризаева, Ҳабиб Абдуллаев, Умрзоқ Тиллаев маромига етказиб ижро этишмоқда.

— Театримизда томошабин дидига мос, инсон қалбига, унинг руҳий дунёсига ижобий таъсир қиладиган, одамларни эзгулик ва яхшиликка чорлайдиган, иродали бўлишга ундайдиган асарлар саҳналаштирилмоқда, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Мамедова. — Мазкур янги спектакль ҳам театр ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 30 июль, чоршанба куни чиқади).*


**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 14 август куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**I.** Бувайда тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2012 йил 21 августдаги 15-12-10/26647-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Бувайда» ҚФЙ, Бувайда қишлоғида жойлашган, умумий майдони 279,77 кв.м., фойдаланиш майдони 279,77 кв.м. бўлган трактор гаражи темир бостирмаси.

***Бошланғич баҳоси — 36 379 748 сўм.***

**II.** Бувайда тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 8 апрелдаги 15-1305/8376-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Янгиқўрғон» ҚФЙ, Чиркай қишлоғида жойлашган, умумий майдони 73,50 кв.м., фойдаланиш майдони 37,87 кв.м. бўлган ҳовли-жой.

***Бошланғич баҳоси — 6 778 980 сўм.***

**III.** Ўзбекистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Ўзбекистон тумани судининг 2009 йил 14 майдаги 2-28/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, Яйпан шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 106-уй, 1-хонадонда жойлашган, қурилиш ости майдони 91,80 кв.м., фойдаланиш майдони 60,13 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 10 209 592 сўм.***

**IV.** Қува тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2010 йил 30 июндаги 15-10-02/14200-сонли ва 2010 йил 26 июлдаги 10-07/12156-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Қувадонмаҳсулотлари» ОАЖга тегишли, Қува тумани, Қува шаҳри, М. Ҳасанов номидаги МФЙда жойлашган:

**1.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир тикувчилик хонаси), умумий майдони 51,04 кв.м. бўлган хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 5 666 300 сўм.***

**2.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир сартарошхона), умумий майдони 11,76 кв.м. бўлган хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 4 296 103 сўм.***

**3.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир дорихона), умумий майдони 103,24 кв.м. бўлган хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 19 653 964 сўм.***

**4.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир дорихона), умумий майдони 57,97 кв.м. бўлган хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 6 858 674 сўм.***

**5.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир даволаш маскани), умумий майдони 197,46 кв.м. бўлган хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 22 229 874 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 12 август куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Барча масала юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

11288/90


WWW.XS.UZ Наманган: Норин туманида болалар ва ўсмирлар ўртасида таэквондо ITF бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 300 нафардан зиёд спортчи 40 вазн тоифасида ўз маҳоратини намойиш қилди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 769 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5